

ЧЎЛПОН – ЭРК, ИСТИҚЛОЛ ВА ОЗОДЛИК КУЙЧИСИ

Bafoyev Javohir Jasur o'g'li

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi

Akademiyasi 3-bosqich kursanti

Аннотация

Мақолада ўзбек жаҳид шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг шеърлари адабиётшунослик нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Илгари маълум бўлмаган Чўлпон шеърлари ҳақида ҳам илк марта маълумот берилади.

Калит сўзлар: эпистоляр адабиёт, хат турлари, адабий хатлар.

Адабиёт кўнгил овози. Кўнгил доимо эрк истаган инсон кўксидаги создир. Бу сознинг созандаси ёзувчи ва шоирлардир. Пардалари чексиз, торлари чексиз. Чунки шундай даврлар бўладики, унинг дардли нолаларини санокли торларда чертиб, чегараланган пардаларда куйлаб бўлмайди. Шунда нолалар садога, садо эса кўнгилни ёриб чиққан миллат нидосига айланиб кетади. Бу соз энди куйланмайди, у бонг уради. Бонг урдими, демак, у энди уйғотувчи қуролга айланади. Мустамлакачиликка асосланган жамият қуролга айланган ҳар қандай нарсадан, агар у ўз қўлида бўлмаса, доимо кўрккан ва уни ўз қўлига олишга ёки синдириб ташлашга ҳаракат қилган. Чўлпоннинг фожеали қисмати бунинг ёрқин исботидир.

“Бир неча йил қантаргач, Яна олдим созимни”, - дейди шоир 1934 йилда ёзган шеърида. Бу сатрларда қантармоқ сўзи орқали Чўлпон бошига тушган кулфатларга ишора қилипти. Бу сўз асл маъносида овқатга, ем-ҳашакка, сувга етолмайдиган қилиб, арқонни калта қилиб боғлаб қўймоқ, оч қолдирмоқ каби маъноларни ифодалайди. Сезилиб турибдики, инсон ва нарсаларга нисбатан кўчма маънода ишлатилиши мумкин, холос.

Чўлпон замоннинг, яъни ўша давр сиёсатининг инсоний эмаслигини шу сўз билан етказган эди. Шоир қуроли бўлган бадиий сўзга нисбатан назорат ва чекловлар жангда қуролсиз қолдирилган аскардай таслим бўлишга маҳкум этилган. Чўлпон қантарилган созини яна олиб, “Энди қайтиб йиғламас Кўнгилдаги розимни” дейди. Балки, ўша золим мафкура билан мураса қилишга мажбурликдандир. Лекин кўпроқ аламли армон сезилади бу сатрларда.. Чунки шеър “Эҳ кўнгил, янги дардлар Тағин сени ёқажак!” сатрлари билан хулосаланган. Ахир эрк дарди билан яшаган, миллат дарди билан яшаган шоирнинг янги дарди унга хиёнат қилиши мумкинми? Ишонч билан айтиш керакки, Чўлпоннинг мурасасозлик билан ёзган шеърлари қўлидаги қаламнинг ноиложлик ҳолатидаги ихтиёрсиз ҳаракатидандир. Қолаверса, 1923 йилда:

Энди ҳар нафасда яна куяман,

Фақат Мажнун бўлиб элни севаман,

Унга хурмат билан бўйин эгаман,

Бошимни у учун дорга қўяман!..

деган шоир, яъни Мажнун бўлиб элини севган шоир орадан 11 йил ўтиб,

“Мен истамам, қора савдо,

Кишанингни Мажнунга ур!

Менинг янги ватанимда

На, Мажнун бор, на-да занжир!”

дея ортга чекиниши мумкинми. Айниқса, эътиқодли, меҳр-муҳаббатли элининг эрки учун умрини тиккан,

“Кишан кийма,

Бўйим эгма, ки сен ҳам хур туғулғонсен”

дея хайқирган Чўлпон учун “Ёпишмаган гажжаклар” кабидир. Шоирнинг бу каби шеърлари, асосан, 1927 йилдан кейинги ижодида учрайди. Сабаби ўз-ўзидан аён. Шўро давридаёқ Чўлпон ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишга жасорат топа олган фидойи олимимиз

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов саъйҳаракатлари сабаб ўша давр мафкураси, адабий танқидий жараёни ва Чўлпон фожиаси ниҳоят мустақиллигимиз шарофати туфайли бор ҳақиқати билан миллатимизга ошкор этила бошлади. Хурматли академигимиз Н.Каримов жонкуяр олимларимиз Ш.Турдиев, И.Ҳақкулов, Д.Қуროнов, Б.Дўстқораев, З.Эшонов, У.Султонов, Н.Йўлдошев каби ва яна бир қатор зиёлиларимиз Чўлпон ва унинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги бизнинг эҳтиёжларимизни қимматли маълумотлар ва илмий фикрлар билан қондиришди ҳамда бу жараён қизгин ва кенг миқёсда давом этаётганлиги барчамизда қониқиш ҳосил қилмоқда.

Тадқиқотларда қайд этилганидек, “буржуа шоири”, “жадид”, “мафкураси бузуқ”, “босмачилар жарчиси”, “миллатчи”, “аксил инқилобчи”, “октябрь инқилобини тушунмаган овсар”, “ёшлар онгини заҳарловчи ёт унсур”, “халқ душмани” деган тавқи лаънатга дучор бўлган Чўлпонга 1927 йилга келиб қатъий айб қўйилган эди.

Ўша йили Ўзбекистон маданияти ходимларининг II курултойидаги Акмал Икромов маърузасида юқоридаги айбларнинг тасдиқланиши шоир ҳаёти ва ижодининг кейинги даврини белгилаб берди. Ҳатто “Чўлпонни қайта тарбиялаш мумкинлиги ҳақидаги масала ҳам баҳслидир” дея ишонч ҳам билдиришган эди ўша маърузада. “1927 йилда курултойдан ҳайдалгандан сўнг 30 ёшли Чўлпон ҳаётининг фожиаларга, драмаларга тўла қора кунлари бошланди”, – деб ёзади Озод Шарафиддинов “Чўлпонни англаш” китобида. Булар оз эмас, кўп эмас – ўн йил давом этди. Ўн йил мислсиз рухий изтироблар шоир жисмини кемирди, асабларини қатқатди. Унинг асарларини босмай қўйишди, номлари қора рўйхатларга тушди, ҳатто ёру дўстлари кўришиб қолишганда, кўчанинг нариги бетига ўтиб кетиб қоладиган бўлишди. На совет ёзувчиси деб тан олинган, на буржуа ёзувчиси деб узил-кесил қораланган Чўлпон аросатда қолди. Аммо

бу йиллар мобайнида Чўлпонни қораловчи мақолалар босилишдан тўхтагани йўқ. Албатта, қудратли истеъдод эгаси бўлган Чўлпон 1927 йилдан кейин ҳам асар ёзишдан тўхтагани йўқ, бироқ у қайси жанрда қандай асар ёзмасин, уларнинг ҳаммаси беистисно “ғоявий зарарли, миллатчилик руҳидаги асар” сифатида баҳолана бошлади, ҳатто унинг таржималаридан ҳам миллатчилик унсурларини кўплаб топа бошладилар”. Чўлпон 1922 йилда ёзган “Кишан” номли шеърида: Кишан, гавдамдаги доғинг ҳануз ҳам битгани йўқдир!

Фақат, буткул кутулмоққа умидим энди ортиқдир!.. деганда бутун қисматига ишора қилган экан. Чунки чор истибдодидан кўра шўро истибдоди шоир умидини бутунлай юлиб олаётган эди. Чўлпоннинг 1927 йилдан кейинги шеърлари унинг шу йилларгача чоп этилган “Уйғониш”, “Булоқлар”. “Тонг сирлари” номли тўпламларига кирган шеърларидан сокинроқдир, худди кузак шамолида тебраниб турган боғларнинг мунгли бир ноласидай ўша йиллардаги шоир руҳиятини бадиий ифодасидир. Шу ўринда шоирнинг 1934 йилда ёзилган ва “Соз” тўпламидан ўрин олган “Куз” номли шеърига эътиборимизни қаратайлик:

Дарахтлар танига тирмашди изғирин,
Шоҳларга илондай чирмашди изғирин.
Кўллари баргларнинг бетида сурунди
Баргларнинг бандини қирт этиб кесишга уринди...

Ер бети қопланди малларанг чойшаб-ла.
Бокчалар қопланди ранг-баранг чойшаб-ла!
Қиш, қиров орқали жўнатти номасин,..
Яқинда чалажак ёқимсиз нағмасин..
Гуппи тўн вазмин солажак бус-бутун,
Ишига қайтажак ўт, ўтин!

Шеър бир ўқишда гўё табиатнинг, ундаги табиий бир ҳодисанинг бадиий тасвиридай қабул қилинади. Лекин бу Чўлпон учун шунчаки бир восита. У ишоралар орқали, тимсоллар орқали дардини айтишга эришади. Аввало кузнинг ўзи бир тимсол. Бу билан миллат деган бокқа ҳазонли фасл кириб келганига ишора қилинмоқда. Дарахтлар, шоҳлар, барглар, қиш, қиров, нома, нағма, ўт, ўтин, малларанг, изғирин – буларнинг ҳаммаси ишорадир.

Истеъдодли Чўлпоншунос олим Д.Қуронов “Кеча ва кундуз” романи поэтикасининг ўзига хослигини белгиловчи услуб оддий қилиб айтганда, худди шеърларидаги каби “Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам” кабилида эканлигини қайд қилган эди. Айни шу фикр Чўлпоннинг 1927 йилдан кейинги шеърларига ҳам айнан тааллуқлидир. “Ўзбек шоири Чўлпон” номли айблов мақолада (муал. Олим Шарафиддинов) “Чўлпоннинг асари бостирилар экан, уни қаттиқ таҳлил қилиб, кучли цензурадан ўтказиб мувофиқларини

босиш керак” деб ҳам унинг кейинги овозини бўғиб, шўро мафкураси оҳангига йўрғалатиб қўйишни кўзлаган эдилар. Лекин Чўлпондаги бадий маҳорат ўзга йўлларга бутунлай йўрғалаб кетишдан асраб қола олди. Тўғри, бу даврда шоирнинг замонасозлик билан ёзилган шеърлари бор ва буни инкор қилиб ҳам бўлмайди. “Октябрь”, “Биринчи май”, “Қўшиқ”, “Янги Мен”, “Бу куннинг шоири”, “Диёрим”, “Байрамда шаҳримиз”, “Бизнинг ватан” каби шеърлари шулар жумласидандир. Лекин булар миқдор жиҳатидан шоирнинг ижод денгизига нисбат қилинса, бир томчигина, холос. Ҳатто мана шу шеърларида ҳам Чўлпон шўро сиёсатини, замон ҳақиқатини бадий маҳорат билан сўзлар, сатрлар орқали ишорали тарзда сезгир ўқувчига етказа олганки, бу билан эътиқодли ва қайтмас шоиримизнинг аламли дардларини, армонларини ҳис қиламиз, қолаверса, бутунлай сўниб битмаган умид учкунларини ҳам кўргандай бўламиз. Мисол учун “Бизнинг ватан” шеърига эътибор қилайлик, “Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг ватан. Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон.

Ҳар томондан юксалиш сориға ташлаб зўр қадам,

Дашту саҳроси онинг гул-гул очилмишдир чаман!” дея уч байтда бундан-да кўкларга кўтариб мадҳ этади, лекин етти байтли шеърнинг қолган икки байти ҳам бир ўқишда ўша мақтов қаторидаги сатрдай гўё, аслида эса шеърда юрагини эзаётган ҳақиқат яширинган. Мана ўша сатрлар:

Дарёси аввалигидек, ердан олиб қочмас ўзин,

Чунки пойига унинг маҳкам урилмишдир кишан.

Энди ишораларга эътибор қаратайлик. “Дарёси аввалигидек”, яъни миллат олдингидек, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Чор Россияси даврларидек Шўро даврида ҳам қуллигича қолди, энди тутқунликдан ўзини қутқара олмайди. Чунки оёғига кишан янада маҳкам қилиб солинди. Бу шеър 1934 йилда ёзилган. Ваҳоланки, ўша йилларда буни очик айта олмас эди. Шеър шундай тугайди:

Бу ватанни жон билан сақлашга,

Чўлпон, ҳозир ўл,

Кимки қасд этса анга кийсин пушаймондин кафан!..

Чўлпон шеър бошида ва давомида ватан деб шўро давлатига ишора қилган ҳолда чалғитади, ниҳоят, ўз миллатини, шўро кишани солинган мазлум халқини, боболари киндик қони тўкилган шу муқаддас тупроғини – Ватанини жон билан сақлашга чорлайди. Чўлпон шеърятининг қудратли кучи тимсоллардир. 30-йиллардаги ижодини ҳам айнан мана шу тимсоллар орқали таҳлил қилинса, аввало, бадийятнинг чексиз имкониятларига, қолаверса, Чўлпоннинг маҳоратига, жасоратлилигига, ватанпарварлигига, ўша исканжа муҳитидаги умидвор руҳиятига, халқпарвар дардининг улуғворлигига ҳайратланасиз. Лекин шўро солган эрксизлик кишанини кундан кун шу қадар сиқиб борардики, бу шоирнинг умидвор руҳиятини ҳам сўндириб, миллатнинг фожиали қисматини аён қилиб улғираётган эди. Чўлпон буни яна

тимсоллар воситасида аламу армонлар билан айтади. “Норин дарё” шеърида бош кўтарган қуллар каби, ҳужум қилган қўшин каби, оч йўлбарсдай наъра тортиб, асов отдай телбаланиб, шиддат билан оқишлари бор дарёга “Бас энди!

Бил: Юз йилларнинг ихтиёри сенда эмас! - деб огоҳлантиради. Сен азамат, шундай ердан ўтасанки, - дейди шоир. - Ҳатто сенга ўхшаш дарёлар ҳам у ерда (яъни, шўро муҳитида) жим бўлиб қолади. Ўкинмасдан, бўкирмасдан оқадилар, Бўйруқ кутиб қирғоқларга боқадир!

Сендан асов сендан ёмон дарёлар ҳам бўйин эгиб келишдилар...”

Мана 30-йилларнинг фожиали тасвири. Чўлпон ўша 1927 йилдаги айбловдан кейинок гўё маҳбусдай назоратда қолган эркесвар ижодкор “Мен шоирми?” деган шеър ёзган эди. “Таржимаи ҳолим”га деб изох бериб қўйилган бу шеърида шоир бундан кейинги ижодий қисматини тассаввур қилгандай “Шу ожиз ҳолимда шоирманми мен?..” деб афсусланганди. Чунки бунда фақат шуни ҳаёл суриш эркинлиги қолганди холос”. Шунинг учун ҳам “Хаёлим бир учиб кетиб қоладир” деб бошланади шеър. Бир замон бир ширин жойга етганда Нарига ўтмасдан тўхтаб қоладир; Чунки ҳаёлимнинг кўзлари билан Бир гўзал ҳолатни кўриб тураман”, - дейди. Лекин ўша гўзал ҳолатни қуйлашга ожиз. Шунинг учун афсусланади. Шоирнинг афсусларини тушуниш учун шеърдаги “гўзал ҳолат” ишорасига эътиборни қаратиш керак бўлади. Аввало, шоирнинг 1919 йилда ёзилган энг машҳур “Гўзал” шеъри ёдга тушади:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман,

Дилмурод Қуронов “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси” рисоласида шоирнинг 1923 йилда яратилган “Мен ҳам севаман” шеъри билан “Гўзал”нинг биринчи сатрлари орасида мазмуний муносабат мавжудлиги ҳақида фикр юритиб қуйидагиларни ёзган эди: “Шоир “Гўзал”ни ёзган пайтларини ўкинчга йўғрилган соғинч билан эслайди. Чунки у пайтларда маъшуқасига, яъни истиқлолга етишиш умиди реал кўринган бўлса, энди унга эришиш имкониятлари тамом қўлдан бой берилганини ҳар қанча оғир бўлса-да тан олишга мажбур”. Маълумки, бу фикр ва мулоҳазалар 1923 йил ҳақида. Демак, биз таҳлил қилаётган шеърдаги “Гўзал ҳолат” истиқлолга ишора.

Энди тасаввур қилинг, 20-йилларда истиқлолга етишиш имкониятлари бор бўлган бўлса-да, 30- йилларга ўтиб, ҳатто у ҳақда ўйлаб фикр юритганларни маҳв қилиш ҳаракати бошланиб кетган эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон ниҳоят

“Хаёлим юксакдан тушиб кетадир,

Шоирлик чанг бўлиб учиб кетадир” дейди. Ожиз қолган Чўлпон таржималардан ҳам энди ўз дардини айтиш учун фойдалана олди. Шу жиҳатдан олганда Пушкиннинг “Булбул билан гул” шеъри Чўлпон дарди бўлиб ўзбек тилига ўтирилганлиги билан характерлидир. Шеърни тўлиқ келтирамиз: Баҳор чоғида ҳоли боғда бир зулматли тун эрди, Ғариб булбул фиғон айлаб, “Тулим, раҳм айлагил” дерди. Бироқ ул гул қулоқ

солмас эди фарёду афғона, Фақат ором оларди ноладин тўлғона-тўлғона. Сени ҳеч севмаган бир гул учун, эй шоирим, сен Ёнарсан, ўртанарсан, дод этарсан тинмайин бир ҳам. Қўй энди, беҳуда дод этма, оҳинг унга етмайди дам. Қараб сан, яшнаган бир гул, фақат додингга етмайди. (1936) Умуман олганда шоирнинг 1927 йилдан кейинги шеърий ижоди алоҳида бир даврдир. Яъни, Чўлпоннинг оғир бир руҳий ҳолатдаги аламли – армонли ҳаётининг якуний босқичидирки, уни синчиклаб тадқиқ қилиш, ҳам бадий, ҳам ижтимоий жиҳатдан янада чуқурроқ хулосалар чиқаришга имкон туғдиради. Хуллас, халқимиз эрки-озодлиги йўлида иймон-эътиқод тимсолига айланган Чўлпон таниқли адабиётшунос олим, академик Наим Каримов том маънода қайд этганидек “1937 йил қатлгоҳларида отилганига қарамай, унинг шеърларидаги виждон эрки, истиқлол ва истиқбол учун кураш руҳи ҳамон тирик. У истиқлол жарчиси ва жангчиси сифатида ўлмаган эди. Бугун ана шу руҳ мустақиллик самараларини мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган курашга мадад бериб турибди”.

Адабиётлар рўйхати

1. Андижон вилоят давлат архиви. 90-фонд, 1-рўйхат, 180-рақамли иш, 573 б. 2. Андижон вилоят давлат архиви. 128-фонд. 1-оп. 68-йиғмажилд. 387а-б.
3. Гаспиринский И. Ҳаёт мамот масаласи. – Тошкент: Шарқ, 2006.
4. Жўрабоев О. Чўлпоннинг икки мактуби матни хусусида // “Чўлпон ва унинг адабий мероси”. – Т.: “Mumtoz so'z”, 2018. – Б. 73-74.
5. Зуфаров Т. Нодир дастхатлар // Совет Ўзбекистони санъати. – 1988. – № 3. 6. Каримов Н. Шоирнинг шеърий мактублари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. – 8 август.
7. Каримов Н. Шоирнинг номаълум шеъри // Жаҳон адабиёти. – 1997. – № 1. 8. Каримов Б. Даҳа гўзал битиклар. Чўлпон ва Гаспиринский // Гулистон. – 2000. 9. Каримов Н. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 464 б.
10. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 11. Мадаминов А., Тожибоев Р. Номаълум мактублар // Қишлоқ ҳаёти. – 1997. 12. Сулаймонзода Абдулҳамид Юнусов. Андижондан ўлан савола жавоб // Таржимон. – 1913. – 27 ноябрь.
13. Тожибоев Р. Чўлпон ва Мавлавий Йўлдош // “Чўлпон: ҳаёти ва ижодий мероси” республика илмий-амалий анжумани материаллари (Андижон, 2000 йил, 2-3 июнь). – Андижон: 2000. – Б. 15-16.
14. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги. 3 томлик. II том. – Тошкент: Фан, 1991.
15. Чўлпон А. Гўзал Туркистон. – Т.: Маънавият, 1997.
16. Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016.
17. Чўлпон. Адабиёт надир. – Тошкент: “Чўлпон”, 1994. – 240 б. 37.